

## 03782-РП-Т-сонли шартнома

Тошкент ш

“27” октябр 2022 й.

“ALOQALOYINA” ДУК номидан Устав асосида фаолият юритувчи (бундан буён “Бажарувчи” деб аталади) Директори Д.Камилов, бир томондан, ва , «Ўзбектелеком» АК (бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи) номидан 30.12.2021 йилдаги № 27-01-14/6022-сонли Ишончнома асосида иш юритувчи, “Харидларни бошқариш маркази” филиали директори Инагамов Л.С., иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб аталади, қуйидагилар ҳақида мазкур Шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Бажарувчи” 2022 йилда “Ўзбектелеком” АК томонидан 115 км оптик толали алоқа линиясини қуриш бўйича тасдиқланган Техник топшириқ асосида қуйидаги ишларни бажаради:

- топогеодезия ишлари амалга ошириш ва лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

- лойиха-смета ҳужжатларини давлат экспертизадан ўтказиш;

- муаллифлик назорати ишларини амалга ошириш.

“Буюртмачи” эса бажарилган ишларга ҳақ тўлашни ўз зиммасига оладилар.

1.2. Ишнинг мазмуни ва муддатлари ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлган жадвал билан белгиланади (2-сонли Илова).

### 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур Шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-сонли Иловаси асосида бажариладиган ишларнинг қиймати **15 фоиз ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 253 000 000 (Икки юз эллик уч миллион) сўмни** ташкил қилади.

2.2. Ушбу шартнома бўйича тўлов “Буюртмачи” томонидан нақд пулсиз шаклда қуйидаги тартибда “Бажарувчи”нинг банк ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

- “Буюртмачи” мазкур Шартнома имзоланганидан бошлаб 10 иш куни давомида Шартнома умумий суммасининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади;

- Шартнома суммасининг 70 фоизи “Томонлар” бажарилган ишларнинг далолатномаси ва ҳисоб-фактураси имзоланганидан кейин 10 иш куни ичида “Буюртмачи” томонидан тўланади.

2.3. Шартноманинг умумий суммаси шартнома амал қилиш муддати давомида ўзгармас ҳисобланади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 3.1. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.1.1. Ушбу Шартнома бўйича “Бажарувчи” томонидан хизматларини амалга ошириш учун бошланғич маълумотларни ва зарур бўлган бошқа маълумотларни тақдим этиш.

3.1.2. Бажарилган ишлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оштртш.

3.1.3. Шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини ўз вақтида ва белгиланган тартибда бажариш.

3.1.4. Ушбу Шартнома шартларида белгиланган тартибда тегишли сифатда бажарилган ишларни қабул қилиш.

### **3.2. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:**

3.2.1. Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ сертитфикатлар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш.

3.2.2. Шартнома мажбуриятларини назорат қилиш.

3.2.3. “Бажарувчи”дан аниқланган камчиликларни белгиланган тартибда ва муддатларда бартараф этишни талаб қилиш.

### **3.3. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:**

3.1.1. “Бажарувчи” топогеодезия ва лойиҳа-смета ҳужжатларини “Буюртмачи”га илова қилинган ҳужжат (хат, ҳисоб-варақ, юк хати) билан ШНК 1.03.01-16 бўйича белгиланган тартибда юборади, агар бошқа талаблар белгиланмаган бўлса.

3.1.2. Жадвалда белгиланган ишлар тугагандан сўнг “Бажарувчи” “Буюртмачи”га юборилган ҳужжатлар тўплами, топогеодезия ва лойиҳа-смета ҳужжатларини қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатномасини ва тўлов учун ҳисоб-варақни топширади.

3.1.3. “Бажарувчи” белгиланган тартибда ишчи лойиҳани экспертизадан ўтказишда аниқланган камчиликларни бартараф этишга мажбурдир.

3.1.4. “Бажарувчи” мазкур Шартнома бўйича олган ҳуқуқ ва мажбуриятларини, “Буюртмачи”нинг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

3.1.5. Ишларни ушбу Шартнома шартларида белгиланган тартибда ва тегишли сифатда ўз вақтида бажариш.

## **4. ИШНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Ишлар бажарилганидан кейин “Бажарувчи” “Буюртмачи”га иш натижаларини тақдим этади.

4.2. “Буюртмачи” бажарилган ишлар бўйича натижаларни қабул қилишга келмаган ҳолатда, “Бажарувчи” ишлар натижасини, шунингдек “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган ҳужжатлар мажмуини тегишли равишда сақланишини, ишлар натижасини “Буюртмачи” қабул қилиши лозим бўлган муддат давомида таъминлайди.

4.3. Ишлар бажарилишининг яқунланиши, ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб фактураси билан расмийлаштирилади.

4.4. “Буюртмачи” 5 кун ичида бажарилган ишларни кўриб чиқади ва натижалар бўйича Далолатномани имзолайди ёки асосли рад жавобини беради.

4.5. Топогеология ва лойиҳалаш маҳсулотларини қабул қилишдан асосли равишда рад этилган тақдирда, “Томонлар” зарур кам-кўстларини ва уларни амалга ошириш муддатларини белгилаб, 3 кун ичида икки томонлама далолатномани тузадилар.

4.6. “Бажарувчи” ишларни муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга.

## **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки тегишли даражада бажарилмаган тақдирда, “Буюртмачи” ҳамда “Бажарувчи” Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ мулкӣ жавобгарликка тортиладилар.

5.2. Агар “Бажарувчи” ишларнинг бажариш муддатларига риоя қилмаса, у холда ҳар бир кечиктирилган кун учун “Буюртмачи”га бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, лекин бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.3. Агар “Буюртмачи” бажарилган ишларининг ҳақини ўз вақтида тўламаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўз вақтида тўланмаган суммасининг 0,5 фоиз миқдорида, лекин тўланмаган суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.4. Мазкур шартнома бўйича юзага келувчи барча низолар ва келишмовчиликлар Тошкент шаҳар туманлараро Иқтисодий суди томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибга мувофиқ ҳал қилинади.

## **6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ**

6.1. Мазкур Шартнома тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва тарафлар мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

6.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади. “Бажарувчи”га боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли лойиҳа-смета ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ, ҳамда лойиҳалаштириш жараёнида ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда қўшимча ҳаражатларни “Бажарувчи”га тўлаб бериш учун, қўшимча келишув расмийлаштирилади.

6.3. Икки томоннинг розилиги билан Шартнома бекор қилинганда ва Шартномада кўзда тутилган ишлар “Бажарувчи” томонидан қисман бажарилган ҳолатларда, “Буюртмачи” ишларнинг бажарилган қисми учун ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бунда “Буюртмачи” ишларнинг бажарилган қисми учун тўланадиган сумма бўйича ҳисоб-китоб ишларига нисбатан эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлмайди.

6.4. Шартноманинг бекор қилиниши фақат тарафларнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

## **7. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР (ФОРС-МАЖОР)**

7.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинадилар, агар улар фавқулотда вазият, яъни берилган шароитларда фавқулотда ва муқаррар ҳолатлар (форс - мажор) натижасида юзага келган бўлса.

7.2. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган Томон зудлик билан бошқа Томонга мажбуриятнинг бажаришга тўсқинлик қиладиган ҳолат тўғрисида ёзма равишда хабар бериши шарт. Фавқулотда вазиятлар тугагандан сўнг, Томон бу ҳақда бошқа Томонга хабар беришга мажбур.

## **8. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ**

8.1. Томонлар, Шартнома мазмуни, шунингдек ушбу Шартнома билан боғлиқ Томонларга тақдим этилган барча ҳужжатлар, Томонларнинг тижорат сирини эълон қилиши, ҳамда уларни бошқа Томонларнинг ёзма рухсатисиз ошкор қилмасликка келишиб оладилар.



8.2. Томонлар, бу билан коррупцияга қарши қонунчилик талабларига риоя этиш, ҳамда коррупцияга қарши қонунчилик меъёрларини бузадиган, шу жумладан, ҳар қандай ташкилот, ҳукумат ва давлат идораси вакиллари, нодавлат юридик шахс ва уларнинг вакилларига пул ёки бошқа кўринишдаги пора таклиф қилиш, ваъда бериш, қонунга зид тўловларни амалга ошириш каби ҳаракатларни бажармаслик мажбуриятини олишади.

8.3. Манзил, банк ёки бошқа реквизитлар ўзгарган тақдирда, Томонлар ўзгариш содир бўлган санадан 5 (беш) календар куни давомида бошқа Томонни хабардор қилиши керак. Ушбу юқоридаги шартнинг бажарилмаслиги, мазкур Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ҳисобланади.

8.4. Томонлардан бирининг қайта ташкил этилиши, мазкур Шартнома шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш учун асос бўлмайди. Бу ҳолда Шартнома мажбуриятлари тегишли Томоннинг ворисига ўтади.

8.5. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8.6. Томонларнинг бир-бирига юборадиган, мазкур Шартнома билан боғлиқ барча хабар ва маълумотлар қуйидаги тартибда жўнатилиши шарт:

а) мазкур Шартнома Томонларининг ваколатли ёки ҳар қандай ходимиغا шахсан топширилади ва имзоланади;

б) шахсан топшириш имконияти бўлмаган тақдирда, олганлигини тасдиқловчи хабарнома билан буюртма хат орқали жўнатилади;

в) электрон почта орқали юборилади.

8.7. Мазкур Шартнома икки нусхада, давлат тилида тузилди, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга.

8.8. Шартномага иловалар:

1. Шартноманинг нархини келишиш баённомаси.

2. Ишларни бажариш муддати.

3. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Бажарувчи

“АЛОҚАЛОҲНА” ДУК

100011 Тошкент шаҳри, А.Навои кўчаси 14А-уй

Т.(71)241-62-50, Ф.(71)241-61-40

х/р 2021 0000 9001 1787 8001

АТБ Алоқабанк Тошкент ш.

МФО 00401

СТИР 204610664

АОФТ (ОКЭД) 71120

ККС ТРК 326050001475

Директор

Д. Камилов

Буюртмачи

“Ўзбектелеком” АК

“Харидларни бошқариш маркази”

филиали

Тошкент ш., Боғибустон кўчаси, 3-уй

х/р: 2021 0000 9040 7483 8090

АТБ Алоқабанк Тошкент ш.

МФО 00401

СТИР 203 366 731

АОФТ (ОКЭД) 61100

Директор

Инагамов Л.С.

Мазкур шартнома имзолашга тайёрлаш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ “АЛОҚАЛОҲНА” ДУК бош юрисконсулти томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

(имзо, бош юрисконсултининг Ф.И.Ш.)

1-сонли илова  
03782-РП-Т-сонли Шартномага  
“27” октябр 2022й.

2022 йилда “Ўзбектелеком” АК томонидан 115 км оптик толали алоқа линиясини қуриш ишлари бўйича топогеодезия ишларини амалга ошириш ва лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, лойиҳа-смета хужжатларини давлат экспертизадан ўтказиб бериш ҳамда муаллифлик назорати ишларини амалга ошириш нархини келишиш БАЁННОМАСИ

Биз қуйидаги имзо чекувчилар: бир томондан “Буюртмачи” “Ўзбектелеком” АК ва иккинчи томондан “Бажарувчи” “ALOQALOYUNA” Давлат унитар корхонаси биргаликда топогеодезия ишларини амалга ошириш, лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш, муаллифлик назорати ишларини амалга ошириш нархи 15 фоиз ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда **253 000 000 (Икки юз эллик уч миллион) сўм** этиб белгиланди ва келишувга эришди. Ушбу баённома “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар ва тўловлар учун асосдир. Шартнома баённомаси Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бажарувчи  
“ALOQALOYUNA” ДУК

Буюртмачи  
“Ўзбектелеком” АК  
“Харидларни бошқариш маркази”  
филиали

Директор

  
Д. Камиллов

Директор

  
Инагамов Л.С.

Ишларни бажариш муддати режаси

№	Шартнома бўйича бажариладиган ишлар	Ишларни бажариш муддати	Иш нархи ҚҚС ҳисобга олган ҳолда (сўм)
1	2022 йилда “Ўзбектелеком” АК томонидан 115 км оптик толали алоқа линиясини қуриш ишлари бўйича топогеодезия ишларини амалга ошириш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизадан ўтказиб бериш ҳамда муаллифлик назорати ишларини амалга ошириш	45 иш кунини (30 фоиз аванс тўлови амалга оширилганидан ва зарур ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилганидан кейин)	253 000 000 (Икки юз эллик уч миллион) сўм

**Бажарувчи**  
**“АЛОҚАЛОУИНА” ДУК**

Директор  
  
Д. Камиров

**Буюртмачи**  
**“Ўзбектелеком” АК**  
**“Харидларни бошқариш маркази”**  
**филиали**

Директор  
  
Инагамов Л.С.



### Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

1. Томонлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.
2. Томонлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.
3. Ҳар бир томон шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.
4. Томонлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.
5. Томонлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек, ўзиинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда куйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:
  - а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;
  - б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;
  - в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дархол хабардор қилиши шарт.
6. Томонлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг

манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

7. Томонлар, уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

8. Агар бир томонга бошқа томоннинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

9. Томоннинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

**Бажарувчи**  
**“ALOQALOYINA” ДУК**

Директор  
  
Д. Камиллов

**Буюртмачи**  
**“Ўзбектелеком” АК**  
**“Харидларни бошқариш маркази”**  
**филиали**

Директор  
  
Инагамов Л.С.